



**РЎЗНОМАМИЗДА** хабар қилингандек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маърузаси фаолият кўрсатувчи матбуот маркази ташкил этилди. Утган ҳафтанинг охирида бу ерда журналистларнинг дастлабки учрашуви ўтказилди. Уни ишчиликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ хайрия жамоатчилиги жамғармаси Ўзбекистон бўлимига раҳбарлик қилётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби А. А. Абдувоситов ўтказди. Қўйда муҳбиримизнинг ана шу учрашув ҳақидаги мақоласини эълон қиламиз.

Социалистик ривожланиш йўлини танлаган мамлакатимиз бутун тарихи мобайнида бизда ишсизлик йўқи эмас, деб уқитиб келинишига қарамай кўпчилик ва айниқса, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси билан шугулланувчи журналистлар ишсизлик муаммоси бизда ҳам борлигини аниқ билишарди. Аммо яқин вақтларга унинг кўламлари, иқтисодий оқибатлари ҳақида ёшиш ва бор овоз билан таъкир ш бўлган эди.

Бугунги кунда вазият тубдан ўзгарди, деб таъкир қилади Ўз кириш нутқида Марказий Комитет котиби А. А. Абдувоситов. — Республика коммунистлари Компартиясининг XXII съезидан буён фуқаролар ҳаётини манфаатларини, уларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган дастур қабул қилди. Ўзбекистон Компартияси социалистик ривожланиш партияси, умумхалқ партияси сифатида ўз фаол ҳаракатлари билан воқеалардан олдинда бориши керак. Бизнинг жамғармаимиз қандай сиёсий кучлар чиндан ҳам халқ манфаатларини ўйлаб яшаётгани ва қандай кучлар бу мавзуда гап сотишдан нарина ўтмаётганини амалда кўрсатиб беради.

Марказком котиби журналистларга янги жамоатчилик ташкилотининг вазифалари ва дастури ҳақида батафсил маълумот берди.

— Бирлашмаимиз мақсади — ишсизлик оқибатларининг олдини олиш ва қисқартириш учун меҳнат жамоалари, жамоатчи ташкилотлар, яқиний уюшмалар ва давлат муассасалари, айрим фуқаролар саноат ҳаракатларини бирлаштириши.

Бу ерда фаолият шакллари турлича бўлиши мумкин. Хусусан, кичик ва ҳамкорлик корхоналарини ташкил этиш, мавсумий ва доимий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишчи қўларини банд қилиб бозорга зарур мол ва маҳсулотларни етказиб берувчи жойлар ташкил этиш мумкин. Кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш дастурларини маблаг билан таъминлаш, меҳнат биржаларига ҳомилийк қилиш кабилар ҳам шунга кирди. Қолаверса, давлат дастурларини амалга оширишнинг мустакил текшириш ва жамоатчилик асосида назорат қилиш ҳам ишлар жумласидандир. Ишсизларга қонирт ёрдам кўрсатиш, меҳнатнашларнинг

ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам шу жамғармаимиз вазифаси. Бундан ташқари телемарафонлар ёрдамида маблаглар йиғиб, лотерея ва бошқа тадбирлар орқали маблагларни қаби хайрия тadbирларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Республикадаги йирик корхоналар дастлабки бадалларни ўтказганликлари фурсатини бой бермай қўзланган дастур бўйича иш бошлаш имкониятини беради.

Журналистлар жамғарма тўзимаси, ташкилий томонлари, имкониятлари ва бошқа хусусиятларини аниқлаб олиш мақсадида саволлар берди. Хусусан, уларнинг мазкур жамғарма республика бўлимининг халқаро алоқалари, унга нисбатан республика раҳбарияти муносабати билан қизиқдилар.



«Бугунги кунда Ўзбекистонда ишсизлар соғи қанча?»

Турли хил, баъзан бир-бирини инкор этувчи рақамлар тилга олинди. Аммо маълум бўлишича, уларнинг бирортасини ҳам ишончли деб ҳисоблаш қийин. Зеро, республикада бир сўз билан айтганда ишсизлар йўқ, фақат ишга жойлаш-

Урта Осиё минтақаси анъанавий тарзда меҳнат ресурсларининг доимий ортиқчилиги билан ажралиб турганлигини эслатиб ўтмоқчи. Бир неча ўн йиллар мобайнида шаклланиб келган халқ ҳужайи тўзимаси хом ашё ва фойдали қанчалар тармоқларини ривожлантиришга, республикани мамлакатнинг «пах-

Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида, айниқса, ғамхўрлик кўрсатишда. Бу ерда имкониятлар ҳам бор. Фақат бу имкониятлардан тўғри фойдаланишга бас. Аҳолининг шартномаси асосда ишлаб чиқаришга жалб этиш имкониятлари ҳам ҳали тўлиқ

ол ҳаракатларини кўзда тутилган устави билан тузулган танишини маслаҳат берди.

Бир томондан олиб қараганда хотиржамликка асос йўқ. Давлат тўмонидан иқтисодий муҳофазат шароитларида яшашига қўйиб қолганимиз ҳолда биз, афтидан, кириб келаятган бозор муносабатлари қўлам-

одамлар фожиясидан тубдан фарқ қилади. Ишсизлик кўркамларини олдиндан айтиб бериш, бу жараёни бошқара бориш, иқтисодий муҳофазатлаш мумкин. Ҳамма гап ҳоқимият тепасида қандай сиёсий кучлар турганига, улар кимнинг манфаатини ҳимоя қилаётганига, ўз олдига қандай мақсадлар қўйганига боғлиқ.

Ўзбекистон коммунистлари тўтган мавзе уларнинг ҳаракат дастурида аниқ ва равшан ёзиб қўйилган.

«Биз, деб таъкирлаганди IV пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби И. А. Каримов, бозор муносабатларига ўтганини чексиз чўзиб юборишга ҳам, ҳар бир босқичда республиканинг хусусиятлари ва реал имкониятларини ҳисобга олмай бозорнинг базис элементларини тиқитириш «тангиш сиёсати» юртишга ҳам принципал жиҳатдан қаршимиз».

Барча қийинчиликлар ва машаққатларга қарамай Ўзбекистон Компартияси обрўси ва унга бўлган ишончнинг охири ҳам ана шу ҳар томонлама ўйланган, фикрланган сиёсатидан. Меҳнаткашлар уни ўзларининг иқтисодий ҳимояланшиларига асосий қафолат бера олувчи ягона куч, деб билмоқдалар.

• ИШСИЗЛАР...

# УЛАРГА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЯНГИ ЖАМҒАРМА БИЛАН ТАНИШУВ. БЎЛИБ ЎТДИ

— Биз, — дейди жамоабод, — тегишли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатилиши режалаштириганимиз. Уларнинг тажрибаси ва қўллаб-қувватлашлари билан фойдаланиши мўлжалланган.

Бутуниттифоқ жамғармаимиз Ўзбекистон бўлими очилгани республика ҳукумати ва шаҳсан Ўзбекистон Президентини И. А. Каримов томонидан маълумланди. Бу эса зиммамизга улкан масъулият юкляди. Энг аввало шунини таъкирлаш керакки, ташкилотимиз меҳнаткашларини иқтисодий ҳимоялашнинг чинакам қафолатини бўлмоғи керак.

Бу йўлда ҳали қўллаб қийинчиликлар ва сиволларга дуч келинади. Учрашувда иштирок этаётган матбуот вакиллари берган қўллаб-қувватлар эса бу қийинчиликлар республика журналистларини ҳам таъкирлашга солаётганини кўрсатди.

Афсуски, бу саволларнинг барига ҳам бугунги кунда иқтисодий жавоб олиш қийин. Масалан, оддийгина бир саволни олайлик:

тирилмаган, иш билан таъминланмаган одамларгина бор, холос. Ҳуқуқий ҳолат назардан бу тушунчалар орасида катта фарқ бор.

Нима бу? Қонулардаги қийинчиликми? Учаллик эмас. Ҳуқуқий демократик давлатда тегишли қонуларга амал қилиниши лозим. Бирок одамлар уларни кўнундан қарашди, бугуннинг ўзидаёқ адолатли ҳаёт кечиришни исташмоқда.

Ўзбекистон иттифоқшор республикалар орасида биринчи бўлиб аҳолининг иш билан бандлиги ҳақидаги Ўзбекистон ССР Қонуни ва бу борадаги Иттифоқ қонуни асосларини кўнун киришини пойлаб ўтирмай шу йилнинг апрель ойидан бошлаб иш билан банд бўлмаган аҳолига пуллик нафақа тўлаб бошлади. Шу тариқа 1 июлга келиб ишга жойлаштириш органларига 328 мианг ишланмаётган фуқаро мурожаат қилди. Албатта, баъзан фуқаролар бундай вазиятга ўз айблари билан тушиб қолган ва шунинг учун ҳам уларга нафақа тўланмайди. Бирок гап улар ҳақида эмас.

«Иш билан таъминлаш» республика дастури меҳнат ресурсларини халқ ҳужайида жалб этиш борасида мавжуд бу улкан муаммосининг барча томонларини ҳал этишининг маълум қафолатларини беради, — деб жавоб беришди меҳнат вазирилик вакиллари.


Балки, бу чиндан ҳам шундай бўлар. Лекин биз журналистларга кўпроқ фаол ва дадил ҳаракатлар ёқарди. Президент И. А. Каримов ташаббуси билан ўтказилган ҳамда 54 хорижий мамлакатдан 300 дан зиёд йирик ишбилармонлар иштирок этган «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»ни ёдга олайлик. Қолаверса, унинг ҳуқуқимат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қўллаб-қувватлаши остида мамлакатнинг бошқа республикалари ва минтақалари билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги иттифоқнинг ўзбекистон халқ ҳужайидаги учун кадрлар ҳозирлаш, ҳатто уларни ўқитиш учун хорижга юбориш бобидаги шахсий ғамхўрлиги ҳам жамоатчилик диққат-эътиборидан четда қолган йўқ.

Республикада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мажмуасини тақомиллаштириш, керакли касблар бўйича сабоқ бериш, айниқса, ёшларни ўқитиш бўйича қўллаб-қувватлар кўрилмақда.



Ўзлаштирилмаган, қишлоқ жойларда ёрдамчи ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳужайи маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш соҳаларини фаолроқ ташкил этиш зарур. Маҳаллий хом ашё, қурилиш материалларини қайта ишлашни йўлга қўйиш керак. Бу йўлда янги жамоатчилик жамғармаси ҳам фаол ҳаракат қилмоғи даркор.

Учрашув қатнашчилари назаримизда янги жамғарма ўз фаолиятида фақат хай-

лари ва оқибатларини ҳали тўлиқ тасаввур эта олмаётганимиз. Ахир барча керакмас нарсаларни, ишга ҳажат берадиган, ортиқча бўғинларни ва улкан бошқарув тузилмаларини суриб боровуви, четга чиқарувчи бозор иқтисодиёти ишсизликни туғдириши, табиий. Бироқ саросимага, ваҳимага тушиб ҳа ҳа керакмас. Зеро, ривожланган жамиятдаги ишсизлик иқтисодий ҳолати сифатида ёлғизлар, ўз ҳолига ташлаб қўйилган



● СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар. Сураткаш Р. ШАРИПОВ.



● СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар. Сураткаш Р. ШАРИПОВ.

НАЗОРАТИДА

## «НОМСИЗ КЎЧАЛАР»

Рўзноманинг шу йил 28 май сонидан ана шу сарлаҳда остида берилган мақолада Бўстонлиқ районидан Чимбойлик қишлоғи ҳудудидagi кўчаларга ҳалигача бирор ном берилмаганлиги, бу кейинги пайтда ҳужжатларда катта ноқулайликлар туғдираётганини айтилган эди.

Мақола юзасидан халқ депутатлари Бўстонлиқ район кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, район иқтисодий қўмитаси раиси И. Иудожев илҳос билан жавоб хати олди:

«Ўтом қишлоқ шўроси ҳудудда иштиқомат қилмаётган ўртоқлар Мусев, Норметов, Арслонов ва Аҳмедовларни рўзноманингга юборган хати ўрғанилиб, қўйилганлиги аниқланди: Ўтом қишлоқ шўроси ҳудудидан фақат Чимбойлик қишлоқ кўчалари эмас, балки Хумсон, Чинор, Қизил Чорва ва Қизил Су қишлоқларида ҳам номсиз кўчалар бор экан.

Ўтом қишлоқ шўроси бу қишлоқларда яшайдиган ишчи ва хизматчиларнинг истакларини ҳисобга олиб, қишлоқ кўчаларини номлаш ҳақида иқтисодий мажлисида қарор қабул қилди, ҳозирги кунда ушбу қарорни бажариш борасида амалий ишлар олиб борилмақда».

## «ЧАЛАСАВОДЛИКМИ ЁКИ МЕНСИМАСЛИК?»

Рўзноманинг 20 февраль сонидан босилган юқоридagi сарлаҳдаги танқидий мақолада ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан айрим корхона ҳамда ташкилотларда рус тилида ёзилган эълон ва лавҳаларни ўзбек тилига таржима қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги айтилган эди. Жумладан, шу мақолада қатор ташкилотлар каби Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли трамвайлардаги ёзувлар нисол тариқасида келтирилган.

Ушбу мақолага трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. С. Маҳмамовдан жавоб хати олди. Унда мақола биринчи ва иккинчи трамвай деполари ходимлари ўртасида муҳокама қилинганлиги, йўл қўйилган камчиликлар тўғри эканлиги айтилади. Мааскур камчиликлар ўзбек тилида қондаларини деполарда даражада билмаган етарли ходимлар томонидан таржима қилинганлиги оқибатида юқоридagi камчиликлар содир бўлган.

Шу кунларда трамвайларнинг ички ва сиртдаги барча ахборот тарандаги ёзувлар қайтадан ўзбек тили нисол қондаларни асосида ёзилмоқда, дейилади жавоб охирида.

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КАЛИНИН РАЙОН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАН

ХАЛҚ депутатлари Калинин район Кенгашининг бўлиб ўтган VI сессияси кун тартибига олтига масала киритилган эди. Аммо сессияда асосан иқтисодий масала тўғрисида баҳс қилинган бўлди. Уй-жой, коммунал хўжалик масалаларини ҳал қилиш бўйича район иқтисодий қўмитасининг олиб бораётган ишлари тўғрисидаги масала ва «Саломатлик» дастурининг бажарилиши бўйича қилинаётган ишлар ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ўткир бўлиб турибди.

Ҳозир районда 135 мианг аҳоли яшайди. Ўз-ўзидан улар учун биринчи таълаб жой зарур. Иқтисодий ҳалқини ичимлик сувини таъминлаш, каналлаштириш, иншоотларнинг қурилиши теаштириш, ободонлаштириш ва бошқа хизмат турларини кенгайтириш билан-йилга зарур бўлиб бормоқда. Сессияда таъкирлангандек, бу борада бирмунча сезиларли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Тошкент гуш ишлаб чиқариш қўмитаси, «Ўзбекистон» паррақандчилик фабрикаси, теплица комбинати, ипакчилик институти ҳудудларида бу иш-

ларнинг кўлами кенгайди. Аммо очинини айтганда, бу борада ҳали жуда кўп камчиликлар, муаммолар мавжуд. Айниқса, қишлоқ ва қўрғон шўролари ҳамда бир қатор хўжаликларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга, ободонлаштириш ишларини ривожлантиришга етарли эътибор берилмапти. «Ўзбекистон ССР 50 йилгига», «Хасков», «Назарбек», «Норасу», «Текстильчи», «Бўасув» ва Свердлов номи борадаги ишлар жуда сўст амалга оширилмоқда. Ана шунинг учун ҳам аҳолидан тушаётган арза ва шикоятлар кўнундан-кўнун қўлаиб бормоқда. Шундай факт келтирилди. Район ташкилотларига ва иқтисодий қўмитасига тушган 278 та арза ва шикоятнинг 152 таси бевосита ичимлик суви билан таъминлаш, товални ва ободонлаштириш муаммоларни тўғрисидадир.

Ҳалигача юқоридagi хўжаликлар ва қишлоқ шўроларида аниқ ҳаракат дастурининг ишлаб чиқилмаганлиги, халқини ичимлик суви билан таъминлашда ички қувватлардан самара-

сиз фойдаланилаётганлиги ҳам кескин танқид қилинди. Бу ишларни жадаллаштириш, эътиборни кучайтириш керак. Акс ҳолда йилдан-йилга ўсиб бораётган аҳолини энг зарур хизматлар билан таъминлаш фақат оғирлашиб бораверад.

Канализация таъминоти бор-йўғи 35 фозни ташкил этмоқда. Жойларда инсон саломатлиги учун зарур бўлган ҳаммом ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларини қурилиши сабабсиз баҳоналар тўғрисида чўзиб юборилмоқда. Коммунал хизматларни масаласига оид бўлган ва бевосита депутатларга нақаз қилиб берилган 36 та масаланинг 19 таси ҳам бажарилмай қолди.

Депутатлар ана шу масалаларга ўз мулоҳазаларини билдираган эканлар, сўнги пайтда одамларга уй-жой қуриш учун ер берилмаётганлиги аниқ бўлганлиги, аммо уй-жойни қуриш ўта мураккаб иш бўлиб қолаётганлигини қайта-қайта таъкирландилар. Даровек, бу бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, жойлардаги қишлоқ шўролари, хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотлар шахсий уй-жой қурувчиларга

етарли амалий ёрдам кўрсатмаётганлар. Бунингсиз бирон иморатни тиклаш мураккаб бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, бу борада районда оммалаштиришга арийдиган тажрибалар ҳам бор.

Масалан, сессияда сўзга чиққан Тошкент гуш ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг котиби, район Кенгаши депутати Р. Худойбердиев бирлашмада уй-жой қуриш учун ер участкаси олган ишчи-хизматчиларга амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги, ҳозиргача 50 фоздан ортиқ ер участкаси соҳибига 10 миангдан 20 мианг сўмгача қара берилганлигини айтди. Фақат бугина эмас. Бирлашмада аҳолига қурилиш материаллари топшид ҳам кўмаклашилмоқда. Бир қатор ишчи-хизматчиларга 30 мианг дона ишт, 120 тонна цемент, 180 куб метр ёғоч материаллари ва бошқа зарур жиҳозлар ажратилди.

Гагарин номи совхозда ҳам ички имкониятларини ишга солиш соҳибига шахсий уй-жой қурувчиларни қурилиш материаллари билан таъминлашга ва бошқа ободончилик ишларини

амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда. Хўжалик бартер усулида маҳсулот айирбошлаш ҳисобига ички вагон ноёб қурувлар олиб келинди. Эндиликда бу қурувлар ҳисобига хонадонлар газлаштирилди, маҳаллаларга ичимлик суви олиб келинади.

Хўш, нега бу тажрибалар оммалашмапти, бошқа хўжаликлар бундай имкониятларини ишга солмаётганлар. Сессияда ана шу ҳақида ҳам батафсил гап борди.

Сессия бу ишларни тартибга солиш юзасидан махсус қарор қабул қилди. Энг муҳими депутатлар қарор билан чекланишди. Район Кенгаши депутатларидан иборат махсус гуруҳ тузилди. Бу гуруҳ аъзолари районда уй-жой қурилишининг аҳолини ўрганиб чиқариш ва қурилиш ишларини жадаллаштиришга ёрдам беради. Умуман, ҳар томонлама ҳаракатни мувофиқлаштириб, бу борадаги муаммоларни ечиш йўли изланади. Нима ҳам дердик? Зора бу сафарги ҳаракат тезроқ ўзининг амалий натижасини берса.

Бугунги кунда Калинин районда соғлиқни сақлаш муассасаларини тартибга солиш, уларни етук кадрлар билан мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни яхшилашдаги муҳимроқ вазифа йўқ. Бу фикрнинг ҳам депутатлар айтиши. Тўғри, районда рўй берган юқини воқеадан кейин соғлиқни сақлаш тармоқларида кескин чора-тадбирлар кўрилди. Аммо ундан бурун ҳам «Саломатлик» дастури белгиланган, унинг бажарилишининг соғлиқни сақлаш, шўро, хўжалик ва ташкилотлар зиммасига юклардан эди-ку. Афсуски бу дастурнинг ижроси етарли даражада таъминланмапти. Тиббий хизматни яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишида узилишларга йўл қўйилмоқда. Айбдорларга нисбатан эса талабчанлик кўрсатилмапти.

Назорат бўшаптириб юборилганлиги тўғрисида «Саломатлик» дастурида кўрсатилган даволаш муассасаларини қуриш, уларни муҳофизат қилиш билан мустаҳкамлаш қоникарсиз қоля-

ти. Айниқса, болалар ва ҳомилдор оналар алоҳида эътиборга муҳтожлар. Ҳамон уларга доридармонлар ажратиш масаласи етарли ҳал этилмапти. Район матбуот жамияти томонидан болалар ва оналарни зарур қўшимча озиқ-овқат маҳсулотларини билан таъминлаш ҳам қоникарсиз.

Сўнги пайтда ҳар қандай йиғилишда камчиликларни қайта-қайта таъкирлашга зўр берилмапти. Тўғри, уларни кўрсатиш керак. Лекин назаримизда энг муҳими, озгина бўлсада, амалий иш қилиниши. Хўш, районда тиббиёт соҳасида мураккаб вазият сақланиб қолаётган экан, соғлиқни сақлаш тармоғига бевосита раҳбар бўлган соғлиқни сақлаш бўлими, иқтисодий муносабатлар раҳбари ва қолаверса район Кенгашининг соғлиқни сақлаш, экология, оналик ва болаликни муҳофазат қилиш доимий комиссияси аъзолари нега ишлашмапти? Нега улар талабчанлигини оширмайдилар, назоратни кучайтirmайдилар? Сессия-

ларга бу соҳа раҳбарларининг ҳисоботларини қўй-майдилар.

Депутатлар бунини ҳис қилишди. Шунинг учун ҳам 8 бадиан иборат қарор қабул қилинди. Улар билан танишар экансиз, бир-биридан муҳим масалаларни иритилганлигига гувоҳ бўласиз. Аслида бундай қиройли жумаларни илгари ҳам кўп кўргансиз. Аммо юқоридagi таъкирланганимиздек, иқтисод келганда оқсаямиш. Уйлаймикин, районда бу сафар тегишли хулоса чиқарилади. Депутатлар тасдиқланган тадбирлар амалга ошади.

Хулоса тариқасида шунини айтиш керакин, сессияда депутатлар бирмунча фаол иштирок этишди. Масалаларга ўзларининг муносабатларини билдиришди, тақдирларини кўриштиришди. Энг муҳими ва бизга маълум бўлган томонини шун бўлдики, улар райондаги кўчаларни мувофиқлаштириб, барча муаммоларни ҳал этиш йўллариини излаш лозимлигини, бунинг учун биринчи навбатда ички имкониятларга таяниш кераклигини таъкирландилар.



